

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг
Кадрлар бўйича комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Кадрлар бўйича комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) партия тизимларидаги раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига номзодларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни тайинлаш ва илгари суриш масаласини ҳал этиш мақсадида тузилган коллегиал органдир.

2. Комиссия камида 7 нафар аъзодан ва 1 нафар котибдан иборат таркибда тузилади.

3. Комиссия аъзолари ичидан Комиссия раиси сайланади. Комиссия фаолиятига унинг раиси раҳбарлик қилади.

4. Ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўлими бошлиғи комиссия котиби ҳисобланади ҳамда комиссия мажлисида овоз бериш ваколатига эга бўлмайди.

5. Комиссия таркибига партия Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари киритилиши мумкин. Комиссиянинг шахсий таркиби партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

6. Комиссия ўз фаолиятини доимийлик асосида амалга оширади.

7. Комиссиянинг мажлислари ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

8. Комиссия мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи Комиссия раиси томонидан белгиланади ва Комиссия аъзолари эътиборига комиссия котиби томонидан етказилади.

9. Комиссиянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- партия тизимларидаги раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига номзодларни суҳбатдан ўтказиш;

- партия тизимларидаги раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш;

- захирадаги кадрлар билан ишлаш, партия ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш, ходимларни ротация қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

- партия тизимларидаги раҳбар ва масъул ходимларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

- партия тизимларидаги ходимларни аттестациядан ўтказишни тайёрлашда, Аттестация комиссияси тавсияларини бажаришда иштирок этиш;

- партиянинг кардларга оид сиёсати соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

10. Комиссия аъзолари:

- Комиссияси мажлисини тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этадилар;
- зарурат туғилганда суҳбатдан ўтказилаётган номзодга оид қўшимча материал ва ҳужжатларни талаб қилиб оладирлар;

11. Комиссия котиби:

- Комиссия мажлиси бўлиб ўтадиган сана ва вақт, мажлиснинг кун тартиби кўрсатилган ташкилий-ахборот материалларини тайёрлайди;

- Комиссия аъзоларига ушбу материалларни етказди ва Комиссия аъзоларининг мажлисидаги иштирокини таъминлайди;

- Комиссия мажлисида масалалар муҳокамасида иштирок этади ва мажлис баённомасини тайёрлайди;

- Комиссия қарорини тегишли партия ташкилотларига етказди ва улар ижросини назорат қилади.